

Она олмахон болалари учун каштан йигишга жўнаб кетди. “ Яхши Ўтиринглар”, - дея кичкирди она олмахон узоклашиб кетар экан.

Ака-сингил олмахончалар оналарини кузатиб колишди.

- Каштан йигиш огир сих , деди ака она кетиб бўлгандан сўнг синглисига караб, – Кел, онамиз келгунларича уйни йигиштириб кўямиз.

- Яхши бўларди, - деди синглиси, - онамиз хам хурсанд бўладилар.

Шундай килиб, улар ишни бошлаб юборишди.

Уйни йигиштириб бўлишгандан сўнг, акасида яна бир фикр пайдо бўлди ва синглисига мурожаат килди. – Синглим, - деди у , - хозир онамиз роса чарчган бўлсалар керак. Кел, уларнинг олдиларига бориб, каштанларини олиб келишда ёрдамлашамиз.

- Ажойиб фикр! – деди синглиси. Онамиз яна хам хурсанд бўлардилар. Шундай килиб, ака-сингил оналарига ёрдам бериш учун куюк Ўрмонзор томон ёъл олишди.

Улар Ўрмонни роса кезишди, бироқ оналарини топишолмади. Тўсатдан уларнинг каршисидан каштан дарахти чикиб колди.

- Мана бу каштанларга карагин, - деди ака, - кел, улардан бир канчасини териб олиб уйга олиб кетамиз.

Улар каштан дарахти устига чикиб, энди каштан узмокчи бўлиб туришган эди, бирдан синглиси кичкириб юборди.

- Ака, каранг, бу ерда бир талай узумлар бор экан. Ахир онамиз узумни жуда яхши кўрадилар-ку! Шундай эмасми?

- Кел, узумлардан териб уйга олиб кетамиз.

Олмахончалар шохдан-шоҳга сакрашиб узум токига етиб олдилар.

Улар кўпгина узум йигишди.

- Биз уларни уйга қандай килиб олиб кетамиз, - сўради синглиси. Ака омахон ён-атрофни айланиб, иккита каттакон япрок кўтариб келди. Бу пайтда синглиси бир талай узумни ўткир тишлари билан ток новдасидан киркиб олиб бир жойга тўплаб кўйган эди.

Ака-сингил япрок ичига узумларни солиб, тугиб олишди. Ака каттарок тугунчани, синглиси кичикрок тугунчани оркалаб кўтариб олишди-да, уйлари томон ёъртиб кетишди.

Олмахончалар тезда хориб колишди. Бир дарахт остида дам олмокчи бўлиб туришган эди. Бирдан Ўрмон ичидан куён амаки келиб колди. Куён амаки уларни кўриб колди.

- Салом, Куён амаки!

- Салом, болакайлар, нима килиб ўтирибсизлар.

- Онамиз учун узум терган эдик, шуни уйимизга олиб кетяпмиз.

- Ўх-хў, роса чарчабсизлар-ку! Келинглр, ёрдамлашиб юбораман.

Шундай килиб куён амаки тугунлардан огиррогини елкасига ортмоклаб олди. Ака олмахонча эса кичикрогини олди. Синглиси олдинда ёъргалаб кетарди.

Шу зайл улар кетишаётганда узокдан кимнидир кораси кўринди. Карасалар она олмахон улар томон келяпти. Олмахончалар оналарини кўриб жуда кувониб кетишди.

Куён амаки уларнинг узум тугилган тугунларини уйлариғача кўтариб олиб боришиб кўйди.

- Сизга жуда катта раҳмат, - дея миннатдорчилик билдиришди она олмахон ва болалари Куён амакига.

- Арзимаиди, - деди куён амаки бош силкиб хайрлашар экан ва Ўрмон ичкарасига кириб

кетди.

- Менга канчалик катта ёрдам берибсизлар-а, жужукларим! – деди она олмахон кувониб.

- Ўзимнинг ёрдамчи болажонларимдан айланай, - дея боши кўкка етди она олмахон тозаланган хонани ҳам кўздан кечирирганча олмахончаларга меҳрли кўзлари билан термулар экан.

- Келинлар, болаларим, тушлик киламиз.

Шундай килиб, она олмахон ва олмахончалар Ўзлари олиб келган каштан ва узумлар билан маза килиб тушлик килишибди.

Инглиз тилидан Дилмурод Усмонов таржимаси